

КУН МАВЗУЛАРИ

Пекин илтимоси? Тўқаев Украина урушини "музлатиш" дан гап очди

Озодлик

дақиқа аввал



Россия президенти Владимир Путин ва Қозоғистон президенти Қосим-Жомарт Тўқаев Омск шаҳридаги икки томонлама учрашув бошланишидан олдин, 25.07.2026

Россия президенти Владимир Путин билан Омск шаҳридаги учрашувда Қозоғистон президенти Қосим-Жомарт Тўқаев Украинадаги урушни "музлатиш"ни таклиф қилди.

Бу баёнот Қозоғистон ва Россия ўртасидаги XXII Худудлараро ҳамкорлик форумида янгради.

Кремл матбуот котиби Дмитрий Песков бу урушни музлатиш имконини рад этди.


Қозоғистон президенти Қосим-Жомарт Тўқаевнинг айтишича, Украинадаги можарони давом эттириш ҳеч кимнинг манфаатига хизмат қилмайди.

"Буларнинг барчасини тўхтатиш керак. Ишончим қатъийки, бу ҳолат Россия ва Украина давлатининг рақиблари манфаатига хизмат қилмоқда", деди Қозоғистон президенти.

У шунингдек, Россия ва Украина ўртасидаги можаро бўйича Европа ва АҚШдан кўплаб сигналлар олаётганини билдирди.

"Биз доимо украин халқига ҳурмат билан муносабатда бўлганмиз. Бу можаронинг табиати кўпчилик учун, жумладан биз учун ҳам тўлиқ тушунарли эмас. Менимча, сиз Аляскада максимал дипломатик мослашувчанликни намоён қилдингиз. Балки энди можарони музлатиб, Истанбул 2.0 келишувларига қайтиш вақти келгандир. Албатта, АҚШ каби йирик давлатлар кафолати остида", деди Тўқаев Путинга мурожаат қилиб.

Россия ахборот агентликлари хабарига кўра, Путин бунга жавобан Тўқаевни "Украина йўналишида бораётган ишлар"дан хабардор қилишини айтган.



Кейинроқ Кремл матбуот котиби Дмитрий Песков Украинадаги урушни музлатиш имконини рад этди.

Тўқаев билан учрашувдан сўнг Путин Россия ҳарбий-денгиз кучлари вакиллари билан учрашувда ҳам Украина ҳақида кескин баёнотлар берди. У Украина бир кун келиб ғарбий ҳудудларини ҳам йўқотади, деди ва бу ҳудудларни "Сталин совғаси" деб атади.

Украина президенти Владимир Зеленский эса Sky News телеканалига берган интервьюсида Путиннинг урушни тўхтатиш нияти йўқ, деб таъкидлади.

Унинг фикрича, аксинча, Россия раҳбари Давлат Думаси сайловларидан сўнг янги сафарбарликка тайёргарлик кўрмоқда.

Қозоғистон расмийлари Украинадаги уруш давомида расман нейтрал позицияни сақлаб келмоқда. Бироқ халқаро кузатувчилар Россиянинг санкцияларни четлаб ўтиш учун Қозоғистон ҳудудидан фойдаланганини бир неча бор қайд этган.

Украиналик сиёсатшунос Руслан Айсиннинг фикрича, Тўқаевнинг Путинга айтган гаплари унинг шахсий ташаббуси бўлмаслиги мумкин.

"Тўқаев жуда тажрибали дипломат. У беҳуда таваккал қилмайди. Менимча, бу гаплар Си Цзинпиннинг илтимоси билан айтилган бўлиши мумкин", деб ҳисоблайди Айсин.

Унинг таъкидлашича, бу баёнот олдиндан Путин билан ҳам келишилган бўлиши мумкин. Айсиннинг фикрича, эҳтимол Кремл бу билан ўзини тинчликка интилаётган томон сифатида кўрсатишга уринмоқда.

"Путин шундай манзара яратмоқчи бўлиши мумкин: гўёки унга Вашингтон эмас, балки яқин шериклари мурожаат қилиб, тинчлик йўлини танлашни сўраяпти. Бу Россиянинг ўз "тинчлик сценарийси" борлигини кўрсатишга қаратилган ҳаракат бўлиши мумкин".

Вашингтонда жойлашган Урушни ўрганиш институти (ISW) [таҳлилчилари](#) [фикрича](#), 2022 йилдан бери деярли ўзгармаган стратегия асосида Путин урушни

давом эттирар экан, жамоатчиликка шундай усуллар билан ишорат беришга уринаётган бўлиши ҳам мумкин:

"Путиннинг рейтинги ва унга бўлган ишонч даражаси пасайиши, иқтисодий қийинчиликлар кучайиши ҳамда Украинадаги чекланган натижалар фонида қурбонлар сони ошиб бориши каби муаммоларга дуч келмоқда. Кремль Россия жамоатчилигига Украинага қарши узоқ давом этадиган урушнинг харажатларини кўтаришга тайёр бўлиш кераклиги ҳақида сигнал беришда давом этмоқда. Эҳтимол, Тўқаев билан учрашув ҳам россияликларга бу позицияни яна бир бор асослаб бериш учун қўлланган".

Қозоғистон президентининг Россия-Украина урушини "музлатиш" таклифидан олдин Озарбайжон президенти Илҳом Алиев Украина ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашини билдирган эди.

Таҳлилчилар бунни аввалдан Кремл билан сиёсий зиддияти бўлган ва урушдан катта зарар кўрган бу давлатлар Россия заифлашяпти, деган хулосага келгани ишорати бўлиши мумкин, деб баҳоламоқда.

Украинадаги жанглار вақтида Озарбайжоннинг SOCAR компаниясига тегишли энергетика объектлари зарар кўрди. Қозоғистон иқтисодиёти учун муҳим бўлган Каспий қувур консорциуми (КТК) инфратузилмасига ҳам ҳужумлар оқибатида зарар етди.



Озодлик

- ozodlikmail@gmail.com
- uzbek@rferl.org
- WhatsApp / Telegram / Signal
- +420724740755 | +420602612713